

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

Al-Xorazmiy nomidagi Urganch Davlat universiteti

Geodeziya, kartografiya, geografiya kafedrası



“O'zbekiston tabiiy geografiyasi ” FANIDAN

O'zbekiston tuproqlari mavzusida ma'ruza matni

5140600 geografiya ta'lim yo'nalishlari uchun

Tayyorlovchi

g.f.n. Dusanova Sh.

URGANCH - 2016

Мавзу. Ўзбекистон тупроқлари

Маъруза режаси:

Кириш.

1. Ўзбекистонда тарқалган асосий тупроқ турлари
2. Чўл зонаси тупроқлари.
3. Қўнғир тусли сур тупроқлар
4. Тоғ қуруқ даштлар минтақаси тупроқлари
5. Тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш

Хулоса.

Таълим-тарбиявий вазифаси: Мавзу талабаларга Ўзбекистоннинг табиий шароити ва ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш йўллари ҳамда табиатидаги ички тафовутлари ва табиат компонентларининг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар беради. Талабалар Ўзбекистонда ландшафтларнинг кенглик зоналари ва баландлик минтақаларининг тупроқлари тўғрисида ҳам билимларга эга бўладилар.

Таянч атама ва тушунчалар: ўнғир тусли, сур тупроқ, тақирли қумли, чўл, бўз, қўнғир жигар ранг, оч қўнғир ўтлоқ, интразонал, шўрхок,экстра арид, азонал, ўтлоқ,ъ-ботқоқ, ўтлоқ ботқоқ, ярим гидроморф, гидроморф.

Жиҳозлар: глобус, дунё, ярим шарлар, материклар ва Ўзбекистон табиий харитаси, Ўзбекистон тупроқлари харитаси, атласлар.

1. Ўзбекистонда тарқалган асосий тупроқ турлари

Республикамизда шимолдан жанубга ва текислик қисмидан тоғ олди қия текисликлари, тоғларга томон табиат ўзгариб, кенглик зоналари ва баландлик минтақаларини ҳосил қилади. Ҳар бир зона ва минтақада рўй берадиган табиий географик жараёнлар бир-биридан албатта фарқ қилади. Бинобарин, ўзига хос тупроқлар қоплами шаклланади.

Ўзбекистон табиатининг мураккаблиги-рельефи, тоғ жинслари, иқлим, гидрологик ва гидрогеологик шароитларининг хилма-хиллиги республикамизда турли хил тупроқларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон ҳудудининг кенглик зонаси тупроқларини асосан чўлнинг қўнғир тусли сур тупроқлари, тақирли ва қумли чўл тупроқлари ташкил этса, баландлик минтақаларининг тупроқлари, адирларнинг бўз тупроқлари, тоғларнинг қўнғир ва жигар ранг тупроқлари, тоғ яйловларининг оч қўнғир ва ўтлоқ тупроқларидан иборатдир. Булардан ташқари катта майдонларда воҳаларнинг маданий тупроқлари ҳамда интразонал тупроқлар тарқалган.

Ўзбекистон текислик қисмининг жуда иссиқ ва қурғоқчил иқлими шароитида чўл кенглик зонаси вужудга келган. Бу зонанинг турли жойларида иқлимга, шунингдек гидрологик ва биологик шароитлар мажмуига боғлиқ равишда чўл зонасининг турли тупроқлари жойлашган. Чўл зўнасидаги сур-қўнғир, тарқирли, қумли, ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар ҳамда шўрхоқлар текисликларда экстраарид, жуда континентал иқлим шароитида пайдо бўлган.

Ўзбекистоннинг кенглик зоналари тупроқларида органик моддалар оз бўлади, аксинча бу ерда тупроқнинг шўрланиши учун шароит қулай. Бу зоналарда физикавий нураш кучли бўлгани учун тупроқ она жинси аксари ҳолатларида уваланган дағал тоғ жинсларидан таркиб топган.

Умуман тупроқларнинг ҳосил бўлишида иқлим билан бир қаторда хилма-хил она жинсларнинг ва улар хоссаларининг, шунингдек рельеф, грунт сувлари, уларнинг саёз ёки чуқурлиги ҳам катта таъсир этади. Шунинг учун бир зонанинг ўзида бир-бирига ўхшамаган турли-туман тупроқларнинг таркиб топиши мумкин. Рельеф ва гидрогеологик шароитларнинг ўзгариши таъсирида зонал тупроқлар орасида азонал тупроқлар-ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ, ботқоқ, шўрхоқ ҳамда турли даражада шўрланган тупроқлар вужудга келади. Ўзбекистоннинг асосий тупроқ турлари қуйидаги 5 та гуруҳга бирлаштирилган:

I. Автоморф тупроқлар гуруҳи (грунт сувининг сатҳи 5 метрдан пастда ётади):

2. Тақирли (тақир тупроқ ва тақирлар).

3. Қўнғир тусли сур тупроқлар.

4. Қумли чўл тупроқлар.

5. Бўз тупроқлар.

6. Оч қўнғир тусли тупроқлар.

7. Жигар ранг ва тўқ қўнғир тусли тупроқлар.

II. Ярим гидроморф тупроқлар гуруҳи (грунт сувининг сатҳи 2-5 м чуқурда):

8. Ўтлоқ-бўз ва ўтлоқ-қумли, ўтлоқ-тақир тупроқлар.

9. Бўз-ўтлоқ, қумли-ўтлоқ ва тақир-ўтлоқ тупроқлар.

III. Гидроморф тупроқлар гуруҳи. (грунт сувининг сатҳи 2 метрдан юқорида ётади):

10. Ўтлоқ тупроқлар.

11. Ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар.

IV. Шўрхоқлар:

12. Қолдиқ шўрхоқлар, шу жумладан тақирли шўрхоқлар.

13. Типик шўрхоқлар.

14. Шўрхоқ-ўтлоқ тупроқлар.

15. Шўрхоқ-ботқоқ- ўтлоқ тупроқлар.

16. Шўрхоқ ўтлоқ-ботқоқ ва ботқоқ тупроқлар.

V. Суғориладиган тупроқлар:

17. Янги ўзлаштирилган тупроқлар.

18. Суғориладиган тупроқлар.

19. Қадимдан суғориладиган тупроқлар.

Айрим тупроқшунослар Ўзбекистондаги чўл зонаси билан адир баландлик минтақаси тупроқлари орасида эни 5-10 км келадиган оралик (ўткинчи) тупроқлар зонасини ажратадилар. Масалан. тақирли-бўз, сур-қўнғир бўз, қумли-бўз тупроқлар зонаси.

Ўзбекистондаги тупроқлар шўрланганлик даражасига қараб шўрланмаган (2 м чуқурликда туз миқдори 0,3 % дан ошмаса), чуқур шўрланган (туз миқдори 0,3 % дан кўп бўлган қатлам 100 см дан паст ётса), шўртоб (энг кўп туз тупроқ кесимининг пастки 30-100 см қисмида тўпланган бўлса), шўрланган (энг кўп туз тупроқ кесимининг юқори қисмида тўпланган бўлса) каби гуруҳларга ажратилади.

Ўзбекистон тупроқлари улардаги тузнинг таркибига қараб шўрланиш турларига ажратилади. Суғориб экин экиладиган ҳудудларда тупроқларнинг шўрланганлик даражасини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар тупроқлар юзасига тўпланган зарарли тузлар миқдори 3 % дан ошса, бундай тупроқлар шўрхоқлар деб аталади.

2. Чўл зонаси тупроқлари.

Чўл зонаси Ўзбекистоннинг марказий ва шимолий қисмларини ўз ичига олиб, унинг майдони республика майдонининг 61,16 % ини ташкил этади. Бу зона денгиз сатҳидан 0-400 м мутлақ баландликда жойлашган. Чўл зонасининг шимолий қисми мўътадил, жанубий қисми қуруқ субтропик иқлим минтақасида жойлашган. Шунинг учун чўллар Ўзбекистонда шимолий ва жанубий зоналарга бўлинади. Улар бир-биридан экологик хусусиятлари билан фарқ қилади. Шимолий чўл билан жанубий чўл ўртасидаги чегара Устюртнинг жануби, Қуйи Амударё (Нукус ш.), Шимолий Қизилқум бўйлаб ўтади. Шимолий чўлларда ёғин умуман оз ва йил фаслларига бир текисда тақсимланган. Тупроқда склет элементининг кўплиги ўсимликнинг яккам-дуккам ўсишига сабаб бўлади. Шимолий чўлларда тошлоқ чўллар катта майдонларни эгаллайди.

Жанубий чўллар эса иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланиши тарихи ҳамда таркиби жиҳатидан Олд Осиё чўлларининг давоми бўлиб, улар шимолий чўллардан фарқ қилади. Ёғинлар йил фаслларига бир хил тақсимланмаган, баҳор ва қишда ёғин кўп ёғади, ёз эса ниҳоятда қуруқ келади. Ёғиннинг йил бўйи ана шундай нотекис ёғиши натижасида тупроқ

ҳосил бўлиш жараёни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ривожини мавсумга қараб ўзгаради.

Чўл минтақасининг ёзда жуда иссиқ ва қурғоқчил иқлими, ўсимликларнинг сийрак эканлиги шароитида тупроқлар ҳосил бўлиш жараёни жуда суст бўлади.

Ўзбекистонда чўл ҳудуди мутлақ баландлигига кўра икки турга пастки чўл (мутлақ баландлиги 0-250 м) ва юқори чўлга (250-400 м) бўлинади.

Республикада чўл тупроқлари батафсил ўрганилиб, уларнинг таснифи тузилган ва чўлда қуйидаги тупроқ типлари ажратилган.

I. Зонал тупроқлар типлари:

1. Қўнғир тусли сур тупроқлар.
2. Қумли чўл тупроқлари.
3. Тақирли тупроқлар.

II. Интразонал тупроқлар типлари:

1. Ўтлоқ тупроқлар.
2. Ботқоқ тупроқлар.
3. Шўрхоқлар.
4. Тақирлар.

Воҳаларда суғориладиган ўтлоқ тупроқлари, ботқоқ ва тақирли тупроқлар ажратилади.

Ўзбекистон чўл зонаси 27004 минг гектар, шундан 40 % майдонида қўнғир тусли сур тупроқлар, 36 % да қумликлар, 5,4 % да тақирли, 3,18 % да қумли тупроқлар ва 0,5 % да тақирлар тарқалган.

3. Қўнғир тусли сур тупроқлар.

Бу тупроқ типини Ўзбекистонда тоғ олдида пролювал текисликларда, қадимги қолдиқ платоларда (Устюрт, Девхона, Қизилқумдаги қолдиқ тоғ этаклари) тарқалган. Унинг майдони 11025 минг гектар. Шундан атиги 30 000 гектарида суғориб экин экилади. Қўнғир тусли сур тупроқлар тошлоқ чўл ва платоларга хос тупроқлардир. Турли микдордаги элювий ётқизиклари, чақик тошлар, пролювий ётқизикларидаги чағир тошлар ва аллювий ётқизикларнинг силлиқланган майда шағал тошлари бу тупроқларни склет тупроқларга айлантиради. Чўлда иқлимнинг қуруқ ва иссиқ, ўсимликларнинг кам ҳамда сийрак бўлиши туфайли тупроқдаги биологик жараёнлар суст кечади. Шунинг учун қўнғир тусли сур тупроқларда чиринди жуда кам -0-10 см қатламда ўртача 0,29 % ни , 40-50 см чуқурликда эса 0,14 % ни ташкил этади. Бу тупроқ типини кўпинча шўртоб бўлади, ер юзасидаги ўсимлик массаси 0,5 т.га ни ташкил этади, холос. Бу эса майда молларни боқиш имконини беради. Тупроқнинг устки қатламида кальций карбонат, пастки

катламида (40-60 см) сульфат тузларидан гипс тўпланади. Чириндига айланадиган бир йиллик ўсимлик қолдиқлари 75-140 г/м² ни ташкил қилади. Қумли чўл тупроқлари Қизилқум, Қуйи Зарафшон, Қашқадарё, Марказий Фарғона, Мирзачўл ва Қуйи Амударёдаги қумли текисликларда тарқалган. Майдони 1370 минг гектарни ташкил этади. Бу тупроқлар юзаси қалинлиги 0-8 см гача сочилма қумлардан иборат бўлиб, ўсимлик илдизлари бу ерда шохлайди. Структурали горизонт 8-12 см чуқурликда жойлашган, унда ўсимлик илдизлари шохлайди ва сур рангдаги доғлар учрайди. Қумли чўл тупроқларида чиринди ва озуқа моддалар кам. Чиринди миқдори 0,3-0,6 % ни ташкил этади. Бундай тупроқлардан деҳқончиликда махсус агротехника тадбирларини қўллаш билан унумдорликни ошириб, фойдаланиш мумкин.

Қумли чўл тупроқларида чириндига айланадиган бир йиллик ўсимлик қолдиқлари 372 г/м² ни ташкил этса ҳам чириндига камбағал, чунки бу тупроқларда биологик жараёнлар қисқа муддатда жуда тез ўтади.

Тақирли тупроқлар асосан тоғ олди текисликларида, дарё водийлари ва дельталарида, шунингдек қум тепалари оралиғидаги паст текис майдонларда, қадимги аллювал текисликларда тарқалган. Бу тупроқлар тарқалган катта майдонлар Амударё, Қашқадарё дельталарида, Сирдарё водийсининг ўрта қисмида жойлашган. Республикада бу тупроқ типининг майдони 1780 минг га. Тупроқ она жинси турли хилдаги ётқизиқлар бўлиб, кўпчилигини гил-кумоқ жинслар ташкил этади. Аллювал текисликлардаги тупроқлар ўтмишда тупроқ пайдо бўлишининг гидроморф босқичини ўтган. Бу босқич тоғ этагидаги пролювиал текисликларда пайдо бўлган тақирли тупроқларда кузатилмаган, шунинг учун уларда туз тўпланмаган.

Тақирли тупроқларда ўсимликлар жуда сийрак, шунинг учун уларда чим ҳосил бўлмайди. Чириндига айланадиган 1 йиллик ўсимлик қолдиқлари 108 г/м² ни ташкил этади, холос.

Тақирли тупроқларнинг устки 2-6 см қалинликдаги қатлами ёриқлар билан парчаланган қатқалоқлардан иборат бўлиб, улар кўпинча қум билан қопланиб ётади. Унинг остида қатламли структурага эга бўлган оч тусли қўнғир ранг, қалинлиги 5-12 см ли қатлам бўлади. Унинг остида эса қалинлиги 20-30 см ли структурасиз, зичлашган қатлам ва, ниҳоят, энг қуйида тупроқ пайдо бўлиши жараёнида унга ўзгармаган она жинс қатлами ётади. Тақирли тупроқларда гипсли горизонт яхши ифодаланмаган. Уларда чиринди қатламининг умумий қалинлиги 20-30 см га боради, чиринди 0,5-1,0 % ни ташкил этади. Айрим ўтлоқ-тақирли аллювиал тупроқларда чиринди 1,2-1,5% гача боради. Тақирли тупроқлар айрим жойларда шўрланган бўлиб, уларнинг шўрлик даражаси 0,3-2,0 % орасида бўлади.

Тақирли тупроқларда суғориб деҳқончилик қилиш мумкин, бунда тақирлардаги каби қалин қатқалоқ пайдо бўлмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш учун бир қатор мелиоратив чораларни амалга ошириш лозим.

Жумладан тупроқ структурасини маҳаллий ўғит ёрдамида яхшилаш, қатқалоқни йўқотувчи ишлов бериш, шўрланган ерларни ювиш ва қайта шўрланишнинг олдини олиш, нам тўплаш учун яхоб бериш ва ҳ.к.

Тақирлар ҳам чўл зонасининг ўзига хос табиий ҳосилаларидан биридир.

Тақирлар ўсимлик ўсмайдиган, юзаси турли йўналишдаги тартибсиз ёриқлар билан парчаланган берч қатқалоқли сувсиз гил текисликлардир. Тақирлар Амударё, Қашқадарё, Зарафшон этакларидаги, қумликлар орасидаги қадимги аллювал текисликларда, майин гилли пастликларда, делювий билан қопланган пастлик ерларда катта майдонларни эгаллаб ётади.

И.П.Герасимова тақирларни ер юзасини даврий равишда сув босиши оқибатида гоҳ шўрланиб, гоҳ шўри ювилиб туриши туфайли пайдо бўлган зонал тупроқ деб ҳисоблайди.

Тақирлар учун хос морфологик белгилар: юза қисмида қалинлиги 2-3 см бўлган берч, тартибсиз кўринишда ёрилиб-ёрилиб кетган қатқалоқ қатламининг мавжудлиги, унинг остида оч кўнғир тусли, бирмунча юмшоқ, ғовақроқ майда тангачасимон структурали 8-13 см қалинликдаги қатлам ва бу қатлам остида кўнғир тусли зичлашган ҳамда вертикал ёриқчалари бўлган тузли қатламларнинг борлиги.

Тақирлар оғир механик таркибли, умумий чиринди миқдори 0,4-0,7 % гача, таркибида азот ва фосфор кам бўлади, қатқалоқ қобикда кўпинча туз бўлмайди. Тақирлар структурасиз ва жуда зич бўлганидан сувни ёмон ўтказди. Тақирлар берч, чиринди ва озуқа моддалари кам, шўрланган ва шўртобланган бўлганлигидан уларни деҳқончиликда ўзлаштириш анча қийин.

Ўзбекистоннинг чўл зонасида сизот сувлари юзада жойлашган ерларда гидроморф тупроқлар вужудга келган. Улар асосан ўтлоқ, ботқоқ, ўтлоқ-ботқоқ тупроқлар ва шўрхоқлардан иборат. Бу тупроқлар дарё водийларида ва дельталарида катта майдонларни эгаллайди. Тоғ этагидаги қияликларда ва айрим дарё ёйилмаларида кам минераллашган, карбонатларга бой сизот сувлари тақсирида зах ўтлоқ тупроқлар ҳосил бўлган.

Ўтлоқи тупроқлар учун чиринди миқдорининг озлиги, ўта карбонатлиги ҳамда кучсиз ишқорий эканлиги, донадорлиги, турли даражада шўрланганлиги ҳосдир. Тупроқда чиринди қатламининг чуқурлиги 40 см га етади, чиринди миқдори 1-2 % дан 4 % гача боради. Ўтлоқи тупроқлардан қишлоқ хўжалигида яхши фойдаланилади.

Ботқоқ тупроқлар Ўзбекистоннинг чўл зонасида кам тарқалган, чунки

уларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланиши учун шароит қулай эмас, ўта зах ерлар кам. Бундай тупроқлар республикамизда дарёларнинг ҳозирги замон дельталарида, қайирларида, кўл бўйларида учрайди. Ботқоқ тупроқларнинг юқори қатламлари оч кўкимтир, кулранг бўлади ва унда чала чириган ўсимлик қолдиқлари мавжуд. Бу тупроқлар тарқалган ерларни тез-тез сув босиб турганлигидан ва мураккаб мелиорация талаб қилганлигидан деҳқончиликда жуда кам фойдаланилади.

Шўрхоқлар ва шўрхоқли тупроқлар Ўзбекистоннинг чўл зонасида дарёларнинг дельталарида, қайир усти террасаларида, конуссимон ёйилмаларнинг чеккаларида, қадимги қуруқ ўзанларда, кўллар ўрнидаги ботиқларда, Орол бўйидаги пастликларда тарқалган. Умумий майдони 1270 минг га.

Шўрхоқларнинг пайдо бўлишига ер юзига яқин жойлашган ёки бир вақтлар юзада бўлган минераллашган сизот сувлари ҳамда тупроқ она жинслари таркибидаги сувда эрийдиган ҳар хил тузлар ва, ниҳоят, денгиз, кўл соҳилларидаги турли шўрлар ва тузларни шамол учуриб келиши асосий сабаб бўлади. Тупроқда туз тўпланишида биологик жараёнлар ҳам иштирок этади. Бунда галофит ўсимликлар илдизлари орқали тупроқнинг чуқур қатламларидаги сувда эриган тузларни сўриб олади ва ўсимлик қолдиқларининг чириши натижасида тупроқда туз тўпланади.

Деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда экинларни меъёридан кўп суғорилганда шўр ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб, тупроқларда тузларнинг тўпланишига ва шўрланишга сабаб бўлади.

Шўрхоқлардаги тузлар хилма-хил бўлиб, уларнинг тупроқдаги умумий миқдори 3-4 % гача боради. Ёғинларнинг камлиги туфайли энг «кекса» шўрхоқлардагина тузлар қисман пастки қатламларга ювилади. Бундай шўрхоқлардан фойдаланиш учун бир қатор мелиоратив ва агротехник тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Бундай тадбирларнинг асосийси шўр ювишдир.

Воҳа тупроқлари чўл зонасидаги ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқ ва шўрхоқларни ўзлаштириб, кўп йиллар давомида ишлов бериш натижасида ҳосил бўлади. Уларда қалин агроирригацион қатлам ҳосил бўлади. Воҳа-ботқоқ тупроқлари илгариги ботқоқлар ўрнида пайдо бўлади, тақирли воҳа тупроқлари кўҳна аллювал ётқизиқлар устида вужудга келади, унинг механик таркиби суғориш натижасида анча оғирлашади.

Адир, тоғ олди қияликларида ва тоғ этакларидаги текисликларда бўз тупроқлар минтақаси жойлашган. Бу тупроқлар тоғ этаклари ва қуйи ёнбағирлари бўйлаб чўзилиб кетган лёссли текисликларда жуда яхши ривожланган. Улар тоғли ўлкаларнинг тупроқларидан ҳисобланади ва тоғ

ёнбағирларидаги энг қуйи тупроқ минтақасини ҳосил қилади. Бу минтақада пастдан юқорига томон табиий шароитнинг ўзгаришига қараб энг паст ерларда оч тусли бўз тупроқлар, ундан баландроқда оддий, юқори қисмида тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган. Бўз тупроқли ерлар Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасида 250-400 метрдан 1200-1300 метргача, республикамизнинг жанубий ҳудудларида 1500-1600 м гача баландликда учрайди. Бўз тупроқлар карбонатли тупроқлар бўлиб, ҳамма қатламида озми кўпми карбонат учрайди, лекин энг кўпи 100-140 см чуқурликда бўлади. Бу ҳол тупроқ унумдорлигини оширади. Бўз тупроқларда чиринди тупроқнинг устки қатламида тўпланади ва бу қатламнинг қалинлиги 15-18 см га боради. Грунт сувлари чуқурда ётганлиги учун оддий ва тўқ тусли тупроқлар деярли шўрланмаган бўлади. Оч тусли бўз тупроқлар грунт суви юза жойлашган ерларда шўрланиб, шўрхоксимон бўз тупроқларга, баъзан эса шўрхокларга айланади. Бўз тупроқлар минерал таркибининг асосий қисмини лёсс жинслар ташкил этади.

Оч тусли бўз тупроқлар 250-400 метр баландликларда-Мирзачўл, Фарғона водийсининг адирларида ва конуссимон ёйилмаларида, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё водийларининг юқори террасаларида тарқалган ва бу ерлар ландшафтига кўра тоғ чўли минтақасига (юқори чўлга) киради. Оч тусли бўз тупроқли ерлар майдони 2590 минг га. Бу тупроқнинг устки (4-5смда) қатлами оч кулранг, тангасимон структурали, енгил соз жинслардан иборат, механик таркиби ҳар хил, оч создан қумоққача ўзгаради. Чириндили қатламида чиринди миқдори тупроқнинг механик таркибига боғлиқ ҳолда 2 % гача бўлади, ундан пастга эса камайиб боради. Умуман чириндили қатламнинг чуқурлиги 70-80 см гача боради, суғориб ўғитлар солинса, бу тупроқ унумдор тупроққа айланиб яхши ҳосил беради. Ҳар бир гектар ердаги чириндининг умумий миқдори 50-60 тоннага тенг. Оч тусли бўз тупроқларнинг юқори қатламида сувда эрийдиган тузлар миқдори 0,1 % ни ташкил қилади, чуқурлашган сари бу миқдор бироз ортади. Бу тупроқлар сизот сувлари оқими ёмон бўлган ҳудудларда суғорилганда иккиламчи шўрланиши мумкин. Ўзбекистонда оч тусли бўз тупроқлар майдони 2592 минг гектарни ташкил этади.

Амударё этаги, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларидаги қадимий обикор деҳқончилик қилинадиган жойларда воҳалар вужудга келган. Воҳалардаги бўз тупроқлар узоқ вақт ишлов берилиши натижасида маданий тупроқларга айланган.

Оддий бўз тупроқлар тоғ чала чўл минтақасида тарқалган. У жойига қараб 300-600 м баландликдаги тоғ этакларида, баланд текисликлар, қирлар, паст тоғларда ривожланган, айрим жойларда 800 метргача баландликларда ҳам

учрайди. Оддий бўз тупроқнинг майдони 3050 минг гектар бўлиб, тарқалган майдонига кўра баландлик минтақаси тупроқлари ичида биринчи ўринда туради. Бу тупроқда чиринди оч тусли бўз тупроқдагига нисбатан кўпроқ - 1,5-2,5 % ҳамда чириндили қатлам бир оз тўқ туслидир. Қуйи қатламида чиринди оз бўлсада 60-80 см чуқурликкача учрайди. Бу тупроқ типидида чириндининг умумий миқдори 1 гектарда 80-100 тоннани ташкил этади, тузли ва гипсли қатлам анча пастда ётади. Оддий бўз тупроқда оч тусли бўз тупроққа нисбатан нам билан бироз яхши таъминланганлиги учун эфемерлар қалинроқ ўсади. Оддий бўз тупроқлар минтақасида асосан обикор деҳқончилик ривожланган.

Тўқ тусли бўз тупроқлар тоғларнинг 600-1000 м, баъзи жойларда 1200-1400 м гача мутлақ баландликдаги ёнбағирларида тарқалган. Ўзбекистонда бу типдаги тупроқларнинг майдони 1050 минг гектарни ташкил этади. Тўқ тусли бўз тупроқнинг юқори қатламида чиринди кўпроқ (3-4 %) бўлганидан тўқ тусда бўлади ва чириндили қатлам 80-120 см чуқургача тушади. Бу тупроқнинг ишқори яхши ювилган, шу сабабли у шўрланган эмас, гипсли қатлам эса 2-3 м пастда ётади. Бу тупроқ минтақасида нам кўп бўлгани учун ўсимлик янада қалин ўсади. Шунинг учун бу ерда чириндининг тупроқдаги миқдори 1 гектар ерда 130 тоннагача боради. Айрим жойларда ундан ҳам кўп. Бу тупроқ тарқалган ҳудуд табиий нам етарли бўлган баҳорикор ерлар ҳисобланади.

Бўз тупроқлардаги намлик режими вегетация даври узоқ давом этадиган экинлар учун ноқулай. Чунки бундай экинлар авжи етиладиган пайтда тупроқда нам тугаб қолади. Шу сабабли бўз тупроқда суғориб деҳқончилик қилиш лозим ёки вегетация даври қисқароқ бўлган баҳорикор экинларни етиштириш мумкин. Обикор деҳқончилик асосан оч тусли ва оддий бўз тупроқли ерларда ривожланган. Лекин бўз тупроқлар минтақасида рельефнинг паст-баландлиги, ўр-қирлиги суғориш ишларини анча қийинлаштиради. Бунинг устига йилнинг илиқ давридаги самарали ҳароратлар йиғиндисининг тўқ тусли тупроқлар тарқалган ҳудудларда камлиги пахтанинг 100 % пишиб етилишини таъминламайди.

4. Тоғ қуруқ даштлар минтақаси тупроқлари.

Тоғ қуруқ даштлар минтақасида жигар ранг ва кўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари кенг тарқалган. Бу минтақа 1000-1200 м баландликдан бошланиб, Ғарбий Тяньшан тоғларида 2000-2200 м, Ҳисорда 3000-3500 м мутлақ баландликкача. Бу тупроқлар тарқалган майдон 1660 минг га.

Жигар ранг тупроқлар ўтлоқ дашт тупроғи бўлиб, дарахт ва буталар ўсган жойларда таркиб топади. Тупроқ ҳосил қилувчи жинслар турли тусдаги делювиал гил ва қумоқлардан, баъзи жойларда лёссдан, чағиртош ва

шағаллардан иборат. Жигар ранг тупроқнинг юза қатламида чиринди кўп эканлигидан у қўнғир-жигар ранг ёки тўқ қўнғир тусда бўлади. Чиринди миқдори 15 см чуқурликкача ўрта ҳисобда 4-5 % ни , айрим жойларда 8-10 % ни ташкил этади. 1 метр чуқурда эса 0,5 % га тушиб қолади. Рельефининг мураккаблигидан жигар ранг тупроқли ерлардан деҳқончиликда фойдаланиш анча қийин. Текис ерларда баҳорикор деҳқончилик ривожланган бўлиб, экинлардан деярли муттасил бир хилда юқори ҳосил олинади.

Қўнғир тоғ -ўрмон тупроқлари тоғ қуруқ даштлари минтақасининг анча сернам, кенг баргли ўрмон ўсадиган бирмунча баландроқ ерларида таркиб топган бўлиб, чириндига бойлиги билан ажралиб туради. Бу тупроқларда чиринди юқори қатламида 8-9 %, баъзан 12 % гача боради. Сернам ерларда тўқ-қўнғир тусли тоғ-ўрмон тупроқлари вужудга келган. Умуман бу тупроқлар анча унумдор.

Бу минтақа иқлими сернам ва салқин бўлганлиги учун серўт ёзги яйлов вужудга келган, баҳорикор деҳқончилик қилинади, боғлар бунёд этилган.

Баланд тоғ-ўтлоқ даштларидаги оч тусли қўнғир тупроқлар минтақаси Ўзбекистонда 2500-2600 м мутлақ баландликлардан бошланади. Бу тупроқлар тарқалган майдон 540 минг гектарни ташкил этади. Бу минтақада туб тоғ жинслари ер юзига яқин ётганлиги учун тупроқ қатламининг қалинлиги 1 метрдан ошмайди. Туб тоғ жинслари ер юзига чиқиб ётган жойларда тупроқ қоплами шаклланмаган.

Альп минтақаси Ўзбекистонда 3000-3500 м мутлақ баландликдан бошланади. Бу ердаги альп ўтлоқлари тагида чириндили ва торфли, ишқори ювилган тоғ ўтлоқ тупроқлари ҳосил бўлган. Улар қатлами жуда юпқа ва туташ тупроқ қатламини ҳосил қилмайди. Бу минтақада тупроқ ҳосил бўлиш жараёни учун шароит жуда ноқулай. Бунга ҳароратнинг пастлиги, вегетация даврида совуқларнинг тушиб туриши ва шу туфайли ўсимликнинг камлиги ва сийраклиги сабаб бўлади.

Аллювиал тупроқлар Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўзлаштириб деҳқончилик қилиб келинган воҳаларда таркиб топган. Минглаб йиллар давомида воҳаларда, шунингдек дарёларнинг этагида ер бети 1-2 метр ва ундан ҳам қалинроқ дарё оқизиқлари билан қопланган. Аллювал тупроқлар ана шундай жойларда вужудга келган. Чўл зонасидаги аллювиал тупроқлар ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ ва аллювиал ботқоқ тупроқлардан иборат бўлиб, Хоразмда, Қуйи Амударёда ва Қуйи Зарафшонда катта майдонга эга. Бу тупроқлар серкарбонат, чириндиси оз, фақат ўтлоқ-аллювиал тупроқлардагина чиринди 1-2 % этади.

Аллювал тупроқлар бўз тупроқлар минтақасида ҳам учрайди. Улар бу ерда ўтлоқ-аллювиал, шўрланган ўтлоқ-аллювиал ва аллювиал-ботқоқ тупроқлар

деб юритилади. Бу тупроқлар Ўрта Зарафшонда, Чирчиқ-Оҳангарон водийсида, Фарғона водийсининг шарқий қисмида катта майдонларни эгаллайди.

Ҳозир Ўзбекистонда 4,3 млн. гектарга яқин ерда суғориб экин экилмоқда. Бундай ерларда тупроқларнинг табиий ҳолати анча ўзгарган. Обикор деҳқончилик қилинаётган ҳудудларда (ер юзидан 2 м баландликкача) микроклим ўзгаради, ҳавонинг нисбий намлиги ошади ва ҳарорати бироз пасаяди, тупроқдаги намлик режими, микрофлора таркиби, чиринди миқдори ва тупроқ қатлами бўйича чириндининг ҳамда озуқа моддаларнинг тақсимланиши, тупроқ механик таркиби ва физик хоссалари ўзгаради. Бу омиллар, шунингдек, ерни муттасил ҳайдаш ва ўғитлаш каби тадбирларнинг биргаликда таъсири оқибатида тупроқнинг турли қалинликдаги ўзига хос устки қатлами вужудга келади. Бу қатлам агроирригацион қатлам деб аталади. Бинобарин қадимдан суғорма деҳқончилик қилинадиган ерлардаги тупроқларнинг табиий тупроқлардан фарқи катта бўлади. Бу тупроқларни олимлар суғориладиган тупроқлар типига киритадилар ва уларни маданий тупроқларнинг алоҳида бир тури деб таърифлайдилар. Суғориладиган бўз, ўтлоқ, тақирли тупроқлар ана шулар жумласидандир.

5. Тупроқ ресурсларини муҳофаза қилиш.

Ўзбекистоннинг ер фондидан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилади. Республика ҳудуди 2001 йил 1 январь маълумотига кўра 44896,9 минг гектар ер бўлиб, шундан қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майдони 25736 минг гектар га тенг, бу республика ер фондининг 57,9% ини ташкил этади.

Ўзбекистон бутун ер фондининг 9,6 % ини ёки 4277,6 минг гектарни суғориб экин экиладиган ерлар ташкил этади. Суғориладиган ерларнинг 57 % и текислик чўл зонасига, қолган 43 % и тоғ олди, тоғ минтақасига тўғри келади. Суғориб экин экиладиган тупроқларнинг 60 % дан кўпроғини автоморф тупроқлар ташкил этади. Механик таркибига кўра уларнинг асосий қисми оғир кумоқли ва гилли, 10 % и енгил, 20% и эса ўртача механик таркибли тупроқлардир. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг 46 % и шўрланган, 8 % и сув ва 15 % и шимол эрозиясига учраган.

Ўзбекистонда 2001 йил 1 январь маълумотига кўра лалми ерлар майдони 750,1 минг гектар. Улар йиллик ёғин миқдори 200 мм дан ортиқ бўлган ҳудудларда жойлашган. Лалми ерларнинг 12,1 %и табиий нам билан таъминланмаган, 74,5 % и нам билан тўлиқ таъминланмаган ва 13,4 % нам билан таъминланган.

Ўзбекистонда табиий яйловлар 2001 йил 1 январь маълумотларига кўра 22131,1 минг гектарни ташкил этади, шундан 87 % и сув билан таъминланган. Яйловларда молларни тартиб-қоидаларга риоя қилмай боқиш,

улар сонининг нормадан кўплиги, қудуқлар атрофида кўплаб тўпланиши, яйловдаги буталарни ва ўтларни ёқиш, хашак ва ўтин учун кўплаб қириб олиниши, чўлни саноатчилар томонидан ўзлаштиришнинг жадаллашуви, геологларнинг меъёрига амал қилмай олиб бораётган ишларининг кенгайиши, чўлда кўплаб оғир техникадан фойдаланиш чўл ўсимликларининг камбағаллашишга, айрим ерларда эса ўсимлик қоплами ва тупроқ қатламининг бузилишига сабаб, бўлмоқда. Натижада Ўзбекистонда кейинги 20 йил ичида яйловлар маҳсулдорлиги 21 % га камайган, бузилган яйлов майдони 2001 йил 1 январга келиб 7356 минг гектарни ташкил этди. Ўзбекистонда ер фондининг 18,2 % и (8073,2 минг га) ўрмон фондига, 17 % и (7596,1 минг га) захирадаги ерларга тўғри келади.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбекистон ҳудудининг кенглик зонаси қандай қтупроқлардан ибора?
- 2 Тупроқларнинг ҳосил бўлишида қандай омиллар катта таъсир этади?
- 3 Ўзбекистоннинг асосий тупроқ турлари нечта гуруҳга бирлаштирилган?
4. Шўрхоқ тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг.
5. Суғориладиган тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
6. Чўл тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
7. Қўнғир тусли сур тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
8. Қумли чўл тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
9. Тақирли тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
10. Тақир тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
11. Ботқоқ тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг
12. Воҳа тупроқлар ҳақида тўлиқ маълумот беринг тупроқлари
13. Тупроқ ресурслари деганда нимани тушунаси?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент. Ўқитувчи, 1996.
3. Зокиров Ш.С. Ландшафтшунослик асослари. Тошкент, ТошДУ, 1995.
4. Мўминов А. ва бошқалар. Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент, Ўқитувчи, 1984.
5. Ўзбекистоннинг табиий харитаси. Тошкент. 1996.
6. Ҳасанов И.А. Ўзбекистон табиий географияси (маърузалар матни). Тошкент, «Университет», 2000.
7. Ҳасанов И.А. , Ғуломов П.Н. Ўрта Осиё табиий географияси. Тошкент, УзМУ, 2002. __